АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

БАБАКУЛОВ ШАРАФ ХАМРАКУЛОВИЧ

ЮЗАКИ ҚОВУҚ САРАТОНИНИНГ КОМБИНИРЛАШГАН ДАВОСИДА ПРОБИОТИКЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

14.00.14 – Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2018

УЎК: 616.718.19-001.5-031.14-07-089

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бабакулов Шараф Хамракулович
Юзаки қовуқ саратонининг комбинирлашган давосида пробиотикларнинг ўрни ва аҳамияти..... 3

Бабакулов Шараф Хамракулович
Роль и значение пробиотиков в комбинированном лечении поверхностного рака мочевого пузыря..... 19

Babakulov Sharaf Hamrakulovich
The role and importance of probiotics in the combined treatment of superficial bladder cancer…….. 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….. 39

АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

БАБАКУЛОВ ШАРАФ ХАМРАКУЛОВИЧ

ЮЗАКИ ҚОВУҚ САРАТОНИНИНГ КОМБИНИРЛАШГАН ДАВОСИДА ПРОБИОТИКЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

14.00.14 – Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.2.PhD/Tib79 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Наврузов Саримбек Наврузович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Гайбуллаев Асилбек Асадович** тиббиёт фанлари доктори, профессор **Полатова Джамиля Шагайратовна** тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қозоқ миллий онкология ва радиология илмий текшириш институти**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (53 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, юзаки қовуқ саратони (ЮҚС), асосан, эркакларни зарарлаб, барча онкологик касалликлар тизимида 4,5-5 %ни ташкил этади[1]. Ҳар йили дунё буйлаб бу касалликнинг 200 000та янги ҳолати рўйхатга олинади, шунинг 30-35% и Европа иттифоқи мамлакатларига тўғри келади, охирги 10 йилликда касалланиш даражасининг 52,1% га ўсиши кузатилмоқда, ташхис қўйилгандан кейинги биринчи йилда ўлим кўрсаткичи 23,1% гача етмоқда[2]. Мамлакатимизда 2015 йилда ЮҚС интенсивлик кўрсаткичи 100 000 аҳолига 1,3 ни ташкил этди, сўнгги 5 йилда касалланиш 12,6% га ўсди[3]. Статистик кўрсаткичларнинг тўхтовсиз ўсиши ЮҚСни эрта ташхисловчи, бу онкопатология ривожланиш хавф омилларини ирсий, гормонал ва анатомо-физиологик жиҳатларини ўрганувчи тиббий технологияларнинг жадал ривожланиши имконини берди. Клиник онкоурология тараққиётида маълум натижаларга эришиш имконини берувчи янги даволаш стандартлар ишлаб чиқилди. Бунинг исботи ўлароқ, аксарият беморларда радикал амалиётлар имкониятини кенгайтириш, ҳатто катта хирургик муолажаларни бажариш, ҳаёт давомийлигини узайтириш ва бошқалар шу кабиларнинг имконини берди. Лекин ЮҚСни эрта ташхислашни яхшилашда, тиббий ёрдамнинг турли босқичларида текширув усулларини самарали қўллаш орқали беморлар текширув вақтини қискартириш каби баъзи масалалари очиқ қолмоқда. Шунинг учун, ЮҚС диагностик тактикасини янада такомиллаштириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон тажрибасидан онкоурологияда илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда, аниқроғи, касалликнинг қайталаниши хусусиятларини ўрганиш, аъзоларни сақлаб қолувчи хирургик амалиётларни бажариш, қовуқ саратонини комплекс даволаш турли вариантлари прогноз омиллари стратификацияси. Ушбу касалликни кеч аниқлаш, эрта асоратланиш, локорегионар рецидивланиш ва метастазланиш, прогрессивланишнинг юқори хавфи сабабларини ўрганиш масалаларига ўзгача аҳамият берилади. Аъзоларни сақлаб қолувчи каминвазив амалиётларнинг қўлланилиши касаллик рецидивланишининг юқори бўлишига сабаб бўлиши аниқланган. Бироқ, ўз навбатида, рецидив эҳтимоли ўсманинг гистологик хусусиятига пропорционал боғлиқ, кўп марказли ўсиши 20 дан 85%гача ривожланиш вариациясига эга. Шундай қилиб, бу ҳолат охирги уч ўн йилликда ўсма жараёнига таъсир этишнинг, ЮҚСда трансуретрал резекциянинг (ТУР) бевосита ва узоқ натижаларини яхшилаш имконини берувчи ва тегишли равишда беморлар ҳаёт сифатини ва тиббий-ижтимоий реабилитацияси

---

[1] World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization web site. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

[2] Zhang YH, Zhang XR, Yu J, Li HL. Clinicopathologic features and immunophenotype of pseudosarcomatous myofibroblastic proliferation of urinary bladder // Zhonghua Bing Li Xue Za Zhi. 2018 Aug 8;47(8):585-590.

[3] Статистические материалы о деятельности учреждений здравоохранения Республики Узбекистан в 2015 году.- Ташкент. -2016. -310 с.

даражасини кўтариш имконини берувчи янги комбинациялашган усулларни излаш заруратини келтириб чиқаради.

Сўнгги вақтларда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва қамровини сезиларли кенгайтиришга қаратилган глобал чоралар қўлланилди. Бу йўналишда, хусусан, ЮҚС билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда, бу патология диагностикаси ва хирургик даволашининг янги усулларининг самарадорлигини баҳолашда илмий асосланган натижалар зарур. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган[1]. Шу қаторда, ЮҚСни хирургик даволаш натижаларини, янги комбинацияланган даволаш усулларини ишлаб чиқиш орқали яхшилаш, тадқиқотларнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда онкологик хизматни ривожлантириш ва онкологик ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги №266 «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда (Kano H [2]) «замонавий амалий онкология доктринаси онкологик касаллик билан беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган, юқори сифатли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган ғояларга асосланади». Бунда бу градациянинг мезонлари жуда кенг, лекин ЮҚСда ихтисослашган даволаш давомида ҳаёт давомийлиги, локорегионар ва узоқ метастазлар ва рецидивлар частотаси, асорат ва ўлим кўрсаткичи фундаментал асос ҳисобланади.

---

[1] Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

[2] Kano H, Miwa S, Koshida K, Kawai K. Successful Treatment of a Large Superficial Bladder Cancer with Neoadjuvant Arterial Infusion Chemotherapy: A Case Report. // Case Rep Oncol. 2018 Jun 18;11(2):383-387

European Organisation for Research and Treatment of Cancer (EORTC)[1] клиник текширувлари тизимини ўзида жамлаган тадқиқотлар таҳлилида, «трансуретрал резекциядан бир йил кейинги рецидивланиш ва жадалланиш эҳтимоли тегишли равишда 15% дан 61% гача ва 1% дан 17% гача, 5 йилдан кейин 31% дан 78% гача ва 1% дан 45% гача». «Рецидивлар ва давомий ўсишнинг кўп сабабларидан бири, ташқи томондан яллиғланиш соҳаси сифатида кўринишда бўладиган, кичик ва ясси ўсмаларни аниқлаш қийинчилиги сабабли норадикал амалиётларнинг бажарилганидир» (Apfelthaler C[2]). 7 та рандомизацияланган тадқиқотларни ўз ичига олган мета-анализ (1476 нафар бемор, 3,4 йил кузатув медианаси билан) кўрсатадики, ТУРдан кейин бевосита бир марталик кимёвий дори воситаларини жўнатиш рецидивли беморлар миқдорини 12% гача ва унинг ривожланиш эҳтимолини 39% гача камайтиради (Bourgeois S [3]).

ЮҚСда даволаш тактикаси охирги 5 йилда прогнозлаш гуруҳларининг балли тизими, амалиётларнинг турли адъювант химио-, иммунотерапия ёки нурли даволаш усуллари билан қўлланилиши натижасида сезиларли тарзда ўзгарди. Қониқарли прогнозли беморларда бевосита амалиётдан кейин бир маротабали инсталляция рецидиви хавфини камайтиради. Шунга қарамасдан, бошқа беморлар учун бу даволаш ҳажми етарли эмас. EORTC ва Medical Research Council (MRC)[4] нинг мета-анализ маълумотлари «ўрта прогностик гуруҳ беморларида пуфакичи химиотерапияси ва фақат ТУРни таққослаганда шуни кўрсатдики, химиотерапия касаллик жадаллашишини эмас, балки рецидив миқдорини камайтиради». Mukherjee N[5] «ўрта ва юқори рецидив ривожланиш хавфи бўлган 2749 беморларни ўз ичига олган 11 тадқиқотни мета-анализ қилганида, шу нарса маълум бўлдики, Кальметте-Герена бацилласи (BCG) Митомицин С (ММС) га нисбатан ўсма рецидиви частотасини пасайтиришда: 26 ойли кузатув медианасида ММС ли қўшимча даводан кейин - 46,4%, BCG вакцинаси билан даволанганларга - 38,6%, яъни нисбатан статистик ишончли устунликка эга».

Абадиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда ЮҚС даволаш-диагностика тактикаси замонавий онкологиянинг долзарб ва охиригача ҳал этилмаган муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади. Рецидивлар миқдорининг 40 дан 80-90% гача эканлиги, шунингдек касалликнинг прогрессивланишининг юқори хавфи, ЮҚС даволаш натижаларини яхшилаш

---

[1] Yılmaz Y, Kahya MC, Dilek FH, Köse O, Özcan S, Can E, Akın Y, Ergani B, Dindar AS. Can tumor recurrence be reduced with plasma-kinetic vaporization of the area around the tumor in nonmuscle invasive bladder cancer? // Investig Clin Urol. 2018 Jul;59(4):223-231.

[2] Apfelthaler C, Skoll K, Ciola R, Gabor F, Wirth M. A doxorubicin loaded colloidal delivery system for the intravesical therapy of non-muscle invasive bladder cancer using wheat germ agglutinin as targeter. // Eur J Pharm Biopharm. 2018 Sep;130:177-184.

[3] Bourgeois S, Decupere M, Devriendt D, Lesage K, Van Moerkercke W. A case of pseudorenal failure - spontaneous rupture of the urinary bladder. // Acta Gastroenterol Belg. 2017 Jul-Sep;80(3):419-421.

[4] Zhu J, Huang Z, Zhang M, Wang W, Liang H, Zeng J, Wu K, Wang X, Hsieh JT, Guo P, Fan J. HIF-1α promotes ZEB1 expression and EMT in a human bladder cancer lung metastasis animal model. // Oncol Lett. 2018 Mar;15(3):3482-3489.

[5] Mukherjee N, Houston TJ, Cardenas E, Ghosh R. To be an ally or an adversary in bladder cancer: the NF-κB story has not unfolded. // Carcinogenesis. 2015 Mar;36(3):299-306

билан биргаликда бу оғир гуруҳ беморларни тўлиқ тиббий - ижтимоий реабилитации қилиш имконини берадиган янги замонавий усулларни қўллаш юзасидан қўшимча тадқиқотлар ўтказиш заруратини туғдиради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказидаги АДСС-9.2 «Кўкс оралиғи, қорин парда орти ва кичик чаноқ ўсмаларини диагностикаси ва даволашни ишлаб чиқиш ва мукаммаллаштириш» (2012-2014й) мавзусидаги илмий-тадқиқот иши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий пробиотикни ва трансуретрал резекцияни қўшма қўллаш йўли билан юзаки қовуқ саратонини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ЮҚСда маҳаллий клиник-микробиологик ва цитоморфологик ўзгаришлар ифодаланиш даражасини аниқлаш;

ЮҚСда маҳаллий дори воситаларини қўллаган ҳолда пуфакичи пробиотикотерапиясининг илмий асосланган усулини ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга татбиқ этиш;

пробиотикотерапия фонида ўсма тўқимасида маҳаллий микротомир ўзгаришларини ўрганиш ва унинг ЮҚСни даволаш натижаларини прогнозлашдаги ўрнини аниқлаш;

таклиф этилаётган комбинирланган даволаш турлари натижаларини ўсма жараёни босқичи, ҳажми ва гистологик тузилиши, цитоморфологик ва микробиологик ўзгаришларга боғлиқ ҳолда солиштирма таҳлил қилиш;

ЮҚС комбинирланган даволаш узоқ натижаларини солиштирма ёндашувда ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2009 – 2015 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази онкоурология бўлимида стационар даволанган ЮҚС Та- ва T1N0M0 босқичли 167 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб сийдик пуфаги шиллиқ қаватидан олинган биопсия, иммунологик ва бактериологик текширувлар, ЮҚСни қовуқ трансуретрал резекция усулида хирургик даволаш натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, рентгенологик, морфологик, ультратовуш, эндоскопик, иммунологик, бактериологик, лаборатор ва ва статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юзаки қовуқ саратонининг хирургик даволаш билан комбинацияда пуфакичи пробиотикотерапия усули ишлаб чиқилган;

юзаки қовуқ саратони клиник кечиши ва жойлашуви билан юзаки қовуқ саратон инвазияси инфильтрациясининг пропорционал боғлиқлиги аниқланган;

юзаки қовуқ саратони гистологик тузилиши, босқичи ва махсус давонинг бевосита натижасига бевосита таъсир этувчи маҳаллий микробиоценоз ва иммун ҳолатнинг силжишлари аниқланган;

юзаки қовуқ саратони патологик ангиогенези ифодаланиши, ўсма жараёнининг қайталанишининг асосий омили ва турли даволаш усуллари самарадорлигини баҳолашда прогностик мезон бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги исботланган;

пуфакичи пробиотикотерапиясининг дисбиотик ўзгаришлар коррекцияси, шартли патоген ва патоген микрофлоранинг танланган деконтаминацияси ҳамда кейинчалик маҳаллий ва тизимли иммунитетни кучайтиришга бўлган аҳамияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЮҚС диагностикаси яхшиланган ва тиббий ёрдамни ташкиллаштиришнинг турли босқичларида замонавий диагностик усулларни рационал қўллаш натижасида текширув вақтини қисқартиришга эришилган;

ЮҚСни амалиётдан кейинги маҳаллий яллиғланиш реакциясини пасайиши ва даволаш натижаларини яхшилашга имкон берувчи пуфакичи пробиотиклар инсталляциясини мужассам этган комбинациялашган даволаш усули ишлаб чиқилган;

ЮҚС клиник ифодаланишини адекват баҳолаш ва амалиёт олди комплекс терапиясини оптималлаштириш имконини берувчи маҳаллий яллиғланиш реакцияси ифодаланиш градацияси таклиф этилган;

ўсма тўқимасидаги цитоморфологик ва иммунологик ўзгаришлар ва микротомирлар зичлигини ҳисобга олган ҳолда комбинирланган даволаш самарадорлигини баҳоловчи прогностик омиллар аниқланган;

ЮҚСни комбинирланган даволаш арсеналида пуфакичи пробиотикотерапиясини қўлланилиши нафақат бевосита тиббий-ижтимоий натижаларни яхшилашга, балки ўсма жараёнининг рецидиви ва давомий ўсиши профилактикаси имкон бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етарли миқдордаги беморлар, ўзаро тўлдирувчи клиник, рентгенологик, морфологик, ультратовушли, эндоскопик, лаборатор текширувлар ва ЮҚСга чалинган беморлар диагностикаси ва даволашига замонавий илмий-амалий қарашлари ва ёндашувларига асосланган. Қўйилган вазифалар ечими тиббий статистиканинг замонавий апробацияланган ва тўғри усуллари билан бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, олинган хулоса ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, ЮҚС диагностика ва даволаш хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшади. Ўсма инфильтрациясининг сийдик пуфагига инвазияси клиник кечиши ва жойлашишига пропорционал боғлиқликка эга эканлиги аниқланган. ЮҚСли беморларда маҳаллий микробиоценоз ва иммунологик ҳолатнинг ўзига хос силжишлари ўрганилган ва уларнинг жараённинг гистологик тузилиши ва босқичига тўғридан тўғри боғлиқлиги исботланган. Илмий ишнинг узоқ

натижалари курсантларни тайёрлаш дастурининг ЮҚСга бағишланган мавзусининг мазмун ва тузилишини такомиллаштириш имкониятини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, ЮҚСни пуфакичи пробиотикларнинг инсталяцияси қўлланилиши орқали комбинирланган даволашнинг ишлаб чиқилган ва унинг клиник амалиётга татбиқ этилиши, амалиётдан кейинги маҳаллий яллиғланиш реакцияси ва даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради. Маҳаллий яллиғланиш реакциясининг ифодаланганлигини аниқлашда таклиф этилган градация ЮҚС клиник кўринишини адекват баҳолаш ва амалиётдан кейинги асоратлар олди олинишига қаратилган амалиётдан олдинги тайёрловчи даволашни белгилаш имконини беради. Шифохонагача бўлган ташхислаш сифатини яхшилаш ва даволаш натижасини оптималлаштириш мақсадида ЮҚСнинг янги диагностика ва даволаш стандарти таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қовуқ саратони диагностикаси ва даволашининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган “Юзаки қовуқ саратонининг комбинирлашган давоси самарадорлигини ошириш мақсадида пробиотикларни пуфакичи инсталляция усули” тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2018 йил 18 январидаги 8н-д/10-сон маълумотномаси). Таклиф этилган усул, юзаки ЮҚСга чалинган беморларда амалиётдан кейинги даврда ҳаёт сифати кўрсаткичларини 1,5 - 2 мартага яхшилаш имконини берган;

ишлаб чиқилган “Биоптатнинг цитоморфологик таҳлили ва ўсма тўқимасида патологик ангиогенезни ўрганиш усули” тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2018 йил 18 январидаги 8н-д/10-сон маълумотномаси). Таклиф этилган усул даволашнинг эҳтимолий оқибатини прогнозлаш, бу эса ўз навбатида, кейинги даволаш тактикасини адекват белгилаш имконини берган;

юзаки қовуқ саратонининг диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах ва Хоразм вилоят филиаллари онкоурология бўлимлари амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2018 йил 18 январидаги 8н-д/10-сон маълумотномаси). Таклиф этилган комплекс ёндошувнинг қўлланилиши ЮҚС комбинирлашган даволаш қайталанишсиз даври давомийлигини 10,1±0,9 дан 13,2±0,4 ойгача яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган, шу жумладан, 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 9 та мақола, улардан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси

ОАК диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгиликлар ва олинган натижаларнинг илмий-амалий ахамияти келтирилган, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги, ҳажми ҳамда диссертациянинг қисқа тузилиши хақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сийдик пуфаги ракининг комбинирланган даволаш муаммосининг замонавий жиҳатлари”**, деб номланган биринчи боби сийдик пуфаги юзаки раки этиопатогенези, клиник кечиши, диагностикасининг тегишли замонавий адабиётлар таҳлилига бағишланган. Юзаки қовуқ саратони (ЮҚС) прогнози ва кечиш оғирлигини баҳолашнинг приоритетли усуллари ва уларнинг даволаш тактикасини аниқлашдаги ўрни; ЮҚС комбинирлашган даволасининг тарихий ва замонавий жиҳатлари; ЮҚС пробиотиклар билан комбинирланган даволашининг баъзи хусусиятлари келтирилган. Бобни тахлил қилинган материални жамловчи хулосалар тугатиб беради.

Диссертациянинг **“Илмий изланишнинг материали клиник хусусиятлари ва қўлланилган текширув усуллари**”, деб номланган иккинчи бобида текширувдан ўтказилган беморлар тўғрисида умумий маълумот ва тадқиқотда ишлатилган текширувлар ҳақида маълумот келтирилган. Тадқиқот иши 2009 – 2015 йиллар давомида ЎзРССВ Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази онкоурологии бўлимида стационар даволанган ЮҚС ли беморлар олинган. Умумий 167 беморлар сонидан 133 (79,6%) та беморда ЮҚС нинг T1N0M0 босқичи, 34 (20,4%) тасида – TaN0M0 босқичи аниқланган (1-расм), 125 (74,8%) таси эркак, 42 (25,2%) та - аёл, ЮҚС беморларнинг ёши кенг интервалда бўлиб (56 ёшгача), 27 дан 83 ёшгача, ўртача - 56,3±0,4 ёшни ташкил этди. Барча беморларда гистологик тузилиши уротериал канцер бўлган.

ЮҚС комбинирланган даволаш усули турига кўра, беморлар 3 та изланиш гуруҳларига тақсимланган (2-расм). Умумлашган назорат гуруҳини 80 бемор ташкил этди, бу гуруҳ беморларига анъанавий амалиётдан олдинги тайёрловдан кейин ТУР бажарилган. Кейин 57 (71,2%) беморда амалиётдан кейинги даврда 50 мг Доксорубцин билан интравезикал инсталляция ўтказилган. ТУР дан кейин химиотерапия қабул қилган беморлар, 1-назорат гуруҳини ташкил этган. ТУР дан кейин адъювант пуфак ичи даволаш ўтказилмаган 23 (28,8%) беморлар – 2-назорат гуруҳини ташкил этган.



1-расм. ЮҚС ли беморларнинг ўсма жараёни босқичига кўра тақсимланиши



2-расм. ЮҚС ни ўрганишга тегишли илмий-изланиш ишининг чизма кўриниши

Асосий гуруҳ 87 бемордан ташкил топган. Бунда барча беморларда амалиётдан олдинги ва амалиётдан кейинги илк даврда 10 кун давомида 5 доза/кунига миқдорда интравезикал пробиотикотерапия ўтказилган.

Диагностик хатоларни инкор этиш учун диагностик алгоритм ишлаб чиқилган. Олинган натижалар компьютерда Excel 7,0 дастурида статистик ишлов қилинган. Натижалар учун ўрта арифметик (M), стандарт четланиш (у) ва ўртачани хатолиги (m). Бундан ташқари, нотўғри тақсимотлар учун медиана ҳисобланган. Жадвал ва чизмаларда натижалар M±m тарзида ифодаланган. Гуруҳлар ва ўрганиладиган мезонлар орасидаги фарқнинг ишонлилиги Стьюдент коэффициентидан фойдаланиб ўтказилди. Стьюдент t-критерийси 2,0га тенг ёки катта бўлиши ёки ўхшашлик 5% дан кам бўлганда ($p<0,05$) ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг **“Юзаки қовуқ саратонининг клиник кўринишлари”**, деб номланган учинчи бобида касалликнинг клиник кўриниши, инструментал ва функционал текширувлар натижалари келтирилган. Аксарият беморларнинг клиникага мурожаат этишларига мажбур этган асосий сабаби, гематурия (85%гача) ва цистит (20%гача) бўлган. Бунда гематурия кучли оғриқлар билан кечмайди, бу эса касалликнинг дифференциал белги бўлиб ҳисобланади. Бизнинг кузатувларда гематурия асосий гуруҳда 56 (64,3%) ва назорат гуруҳида 43 (53,7%) беморларда кузатилган. Шуни таъкидлаш керакки, асосий гурухдаги 56 бемордан 21 (37,5%) тасида гематурия яширин ифодаланган, фақатгина сийдик умумий таҳлилида – микрогематурия тарзида аниқланган. Назорат гуруҳида микрогематурия 17 (39,5%) беморларда кузатилган. Шифохонада келтирилганда асосий гуруҳда 20 (22,9%) ва назорат гуруҳида 31 (38,7%) беморда ҳеч қандай субъектив шикоят аниқланмаган. Сийдик чиқариш вақтида ачишиш ва оғриқ каби дизурик бузилишлар асосий гуруҳнинг 24 (27,6%) ва 35 (40,2%) беморларида кузатилган (3.2. ва 3.3. расмлар). Бундан фарқли равишда, назорат гуруҳида бу белгилар 35 (43,7%) ва 32 (40,0%) беморларда кузатилган. Таҳлил шуни курсатдики, кўпчилик хавфли ўсмаларга характерли умумий ҳолсизлик, ЮҚС учун кўп учрамаган. Шунда, умумий ҳолсизлик беморлар шифохонага мурожаат қилганда асосий гуруҳда 25 (28,7%) ва назорат гуруҳида 17 (21,2%) ҳолатда кузатилган. Бундан ташқари, ЮҚС нинг клиник белгилари қаторида сийдик оқимининг кескин пасайиши асосий гуруҳда 11 (12,6%) ва назорат гуруҳида 7 (8,8%) ҳолатда кузатилган.

ЮҚС клиник кўринишини ўрганиш шуни кўрсатадики, у симптомокомплекслар полиморфизми билан характерланмайди. Бунда специфик симптомлар триадаси – гематурию, сийдик чиқаришда ачишиш ва оғриқ, бу эса кузатувларимизда асосий гуруҳда тегишли равишда 64,4, 27,6 ва 40,2% ни ташкил этди. Таъкидлаш керакки, 37% ҳолатларда сийдик умумий таҳлилида аниқланадиган - микрогематурия кузатилади. Умуман макро- ва микрогематуриянинг дизурик симптомлар билан қўшилиб келиши ЮҚС нинг характерли белгилари ҳисобланади. Клиник кечишида триада симптомларнинг кузатилиши, қовуқ деворидаги жойлашуви билан маълум

боғлиқликка эга эканлиги кузатилади. Айниқса ўсманинг мультицентрик жойлашувида, гематурия барча беморларда кузатилган. Бундан фарқли равишда, ЮҚС нинг қовуқ чап деворида жойлашганда, гематурия частотаси 81,2% ни, орқа деворда жойлашганда 64% ни ташкил этди. Лекин, гематуриядан фарқли равишда кучли оғриқ синдроми ўсманинг жойлашиши билан боғлиқлик аниқланмади. Бунда дизурик симптомлар ўсма жараёнининг ўлчамидан келиб чиқиб ифодаланган. Бунга мисол равишда, асосий гуруҳда оғриқ синдроми ўсма ўлчами 2 см.дан кичик бўлганда 28,5% дан, 2 см.дан катта ўсмаларда 42,8% гача кўтарилиши аниқланди. Худди шундай, ЮҚС ли беморларда сийдик ажратишда ачишиш резей ҳолатида кузатилди, бу эса ўсма ўлчамини дизурик синдром билан тўғри пропорционал эканлигини кўрсатади. Айнан ўсма ўлчамларининг горизонтал ва вертикал йўналишларда ўзгариши билан касалликнинг Та ва Т1 лари орасидаги клиник сипмтомокомплекс частотасидаги фарқ асосланади. Тегишли равишда, Та босқичда гематурия дизурик синдромга қараганда кўпроқ кузатилади. Бундан фарқли равишда, Т1 босқичда гематурия билан бир қаторда дизурик белгили беморлар миқдори Та босқичга нисбатан 2 марта кўплиги кузатилди.

ЮҚС нинг клиник кўриниши маҳаллий яллиғланиш реакцияси борлиги билан ифодаланади, бу асосан касалликнинг Т1 босқичили беморларда гуруҳларга мос равишда 73,2 ва 81,8% ни ташкил этди. Қовуқ шиллиқ қаватидаги маҳаллий яллиғланиш реакцияси ҳолати таҳлили касаллик босқичи ва ўсма ўлчамлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Бунда, аксарият беморларда шифохонага мурожаат қилганда кескин яллиғланиш реакцияси мавжуд, бу эса ўз вақтида инфицирланишни текшириш ва мақсадли антибактериал терапияга зарурат туғдиради.

Диссертациянинг **“Юзаки қовуқ саратонини даволашда пробиотикотерапияни қўллашнинг микробиологик, иммунологик ва цитоморфологик аспектлари”**, деб номланган тўртинчи боби.

Олинган тадқиқот натижаларига кўра, нормада (эталон гуруҳи) соғлом инсонларда сийдик пуфаги шиллиқ қаватида уротелиоцитлар баъзи ўзгаришларга эга. Бу микроядроли, протрузияли ва кариорексисли хужайраларнинг мавжудлиги билан характерланади. Бунда ўзгаришлар уротелиоцитларнинг ядро қисмига таълуқли бўлиб, бу эса сийдик рН муҳити ўзгарувчанлиги, яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги билан характерланади. Шунинг учун, бу жараёнлар қайтар хусусиятга эга бўлиб, консерватив даволаш усуллари билан тўғирланиши мумкин.

Шундай қилиб, олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, ЮҚС ли беморлар шифохонада мурожаат қилганларида, барча ўрганилган цитогенетик кўрсаткичларнинг кескин ифодаланган ўзгариши кузатилади, ва бу нормал кўрсаткичлардан 2 6 маротаба юқори бўлади. Энг хусусиятли ўзгаришлар, ўсма соҳасига ёндош уротелий хужайрасида кариодеструкция ва ядро шаклли параметрлари бузилиши кузатилади. Ўрганилган материалда апоптотик индекс 13,5ни ташкил этади, бу кўрсаткич соғлом инсонлар нормал кўрсаткичларидан 2 маротаба юқори.

Анъанавий амалиёт олди тадбирларининг ўтказилиши, цитогенетик кўрсаткичларга таъсир этмайди, бу эса назорат гуруҳи беморларида цитогенетик кўрсаткичларни юқори даражада сақланганлиги билан асосланади. Тегишли равишда, ўсма ва визуал соғлом уротелий орасидаги цитогенетик кўрсаткичларнинг мўтадиллиги, амалиётдан кейинги даврда маҳаллий рецидивларнинг ривожланиш сабабини ифодалаши мумкин.

Бундан фарқли равишда, қовуқ ўсмасини ТУР дан кейинги неоадъювант пробиотикотерапияси диаметрал қарама қарши натижаларга эга. Тегишли равишда, бу пробиотикотерапиянинг тўғридан тўғри ўсмага қарши таъсирини ифодалайди. Пробиотикотерапиянинг антиканцер хусусиятини барча текшириладиган цитогенетик градацияларнинг ишончли равишда муътадиллашиш тенденцияси белгилаб беради, бу эса кариодеструктив ва АИ кўрсаткичларининг аниқ пасайиши билан ифодаланади.

Лекин, бошланғич пробиотикотерапиядан кейин кўрсаткичларнинг сезиларли пасайишига қарамасдан, хирургик даволаш вақтида, соғлом инсонлар гуруҳига нисбатан хужайра-ядро ўзгаришлари кўрсаткичи юқори бўлиб қолади. Ўз вақтида, ЮҚС қайталаниши пронозида ва кейинчалик даволаш тадбирлари мониторингида муҳим проностик омил бўлиб ҳизмат қилади. Юқорида келтирилганлардан келиб чиқадики, ЮҚС даволашида пробиотикотерапиянинг қўлланилиши ҳаракатларнинг кўп қиррали эканлигини ифодалайди.

Бунда, энг самарали ҳаракатлар антимикроб активликда намоён бўлади, шиллиқ қаватнинг барьерн функцияси ва иммуномодуляторлик активлиги кўтарилади.

Диссертациянинг **“Юзаки қовуқ саратонига чалинган беморларни комбинирланган даволаш натижаларининг солиштирма аспекти”**, деб номланган бешинчи бобида ЮҚС комбинирланган даволаш тактикасини ва усулини танлаш имконини берадиган натижаларни солиштирма тахлилини ўтказиш мезонлари ифодаланган. ЮҚС комбинирланган даволашининг асосий мақсади, даволашнинг самарадорлигини ошириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш.

Шунинг учун ЮҚС комбинирланган даволашнинг самараси, тўғридан тўғри тўғри қўйилган ташхисга боғлиқ; амалиёт олдин адекват тайёрлашга; пробиотиклар билан даволашга боғлиқ. Бизнингш фикримизча, ЮҚСли ҳар бир беморга ўсманинг мультицентрик ўчоғи ва ўлчами, рецидив частотаси, ўсма гистологик дифференциациясига асосланган индивидуал тактика танланиши керак. ЮҚС комбинирланган даволашнинг модификацияланган усулини ишлаб чиқдик.

Ўтказилган тахлил, ЮҚСнинг даволаш усулининг касалликнинг амалиётдан кейинги клиник кечишига бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Малоинвазив хирургик муолажага қарамасдан, ЮҚС клиник манифестациясига таъсир этувчи асосий омил, интравезикал қўлланилган восита ва йўлдош давонинг сифати. Бунга мос равишда, амалиётдан кейинги даврда, энг паст суъектив шикоятлар частотаси асосий гуруҳ беморларида 33,3% кузатилди. Бундан фарқли равишда, 2- ва 3-гуруҳларда субъектив

шикоятлар тегишли равишда 80,7 ва 78,2% беморларда кузатилган (3-расм). Бундан ташқари, пробиотикотерапиянинг ўтказилиши триада симптомлар ўтказилиш частотасини кескин камайишига олиб келди, бу эса 2- ва 3-назорат гуруҳлари кўрсаткичлари билан кескин контрастланади. Шуни таъкидлаш керакки, асосий гуруҳда ЮҚС да триада симптомо-комплекснинг учраш кўрсаткичлари, Та босқичида Т1 босқичдагидан 2 марта паст бўлган. Назорат гуруҳларида, бу кўрсаткичлар ўсма босқичига боғлиқ бўлмаган ҳолатда, амалиётдан кейинги даврда бир хилда қолган.



3-расм. ЮҚС ли беморларни даволаш самарадорлигига кўра тақсимланиши

Пробиотикотерапия самарадорлигини ўрганиш асосий гуруҳ беморларида бошланғич кўрсаткичга нисбатан 55,3%га камайганини кўрсатадики. Бундан фарқли равишда, назорат гуруҳида, ҳар учинчи беморда ҳатто амалиётдан кейинги даврда махалий яллиғланиш реакциясини (МЯР) сақланиб қолган. Бунда, асосий гуруҳ беморларида 17,2% ҳолатларда паст ифодаланган МЯР, 2- ва 3-назорат гурухларида асосан яққол ифодаланган МЯР тегишли равишда – 29,8 ва 26,8% кузатилди (6-расм). Умуман, ЮҚС нинг комплекс даволашда пробиотикотерапиянинг қўлланилиши, амалиётдан кейинги даврда ифодаланган клиник кўриниш, субъектив шикоятлар миқдорининг камайиши, МЮР интенсивлиги ва частотасининг пасайишига асосланган яққол яхши натижалар билан характерланди. Ўз вақтида олинган натижалар пробиотикотерапиянинг альтернатив даволаш усулларига нисбатан юқори самарадорлигидан далолат беради, бу эса узоқ натижаларни ўрганиш заруратини келтириб чиқаради (4-расм).



4-расм. Беморларда маҳаллий яллиғланиш реакциясини даволаш турига кўра солиштирма тақсимланиши

Интравезикал пробиотикотерапиядан кейин беморлар ҳаёт сифати Карновский шкаласи буйича 2- ва 3-назорат гуруҳларига нисбатан сезиларли юқори бўлган. Маълумки, кўсма касаллигили беморлар хаёт сифати касаллик прогрессивланиши, ўсма жараёнининг рецидиви ва/ёки матастазланиши билан тўғридан тўғри боғлиқ. Бунда, даволаш усулига кўра рецидивланиш частотасини ўрганиш пробитотикотерапиянинг (2,3%) Доксорубициннинг пуфак ичи инсталляцияси (29,8%) ва моно режимдаги ТУР (49,8%) га нисбатан шубҳсиз самарали эканлигини кўрсатади (1-жад.).

1-жадвал

Даволаш усулига мувофиқ беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичлари (n=167)

Тадқиқот гуруҳи	**Беморлар ҳаёт сифати**	
	Карновский шкаласи буйича	ВОЗ мезонлари
1-асосий	83,3±0,4%	1,6±0,1
2-назорат	70,4±0,2%	2,3±0,07
3- назорат	75,3±0,1%	2,1±0,02
ЮҚС да ўртача	78,5±0,4%	1,92±0,3

Шуни таъкидлаш керакки, интравезикал таъсирсиз фақат ТУР ни ўтказиш 18 ойлик кузатув давомида – 49,8% юқори кайталаниш кўрсаткичи билан намоён бўлди. ЮҚС нинг 9,5 ойлик рецидивсиз даври ўрта статистик медиана кўрсаткичларида, бу кўрсаткич фақатгина интравезикал селектив

терапиясиз ТУР моно режими ўтказилган беморлар гуруҳида – 8,6 ой кузатилди. Монохимиотерапияли ТУР дан кейин рецидивсиз давр медианаси - 10,1 ойни ташкил этди. ТУР фонида нео- ва адъювант тизимдаги пробиотикотерапиянинг ўтказилиши бу кўрсаткични узайишига имкон берди ва асосий гуруҳда - 13,2 ойни ташкил этди.

Ўсманинг гистологик турига кўра рецидивланиш ҳолатларини ўрганиш, шуни курсатадикик, асосий гуруҳда Та босқичида 18 ойлик мониторинг даврида ўсма жараёнининг пайдо бўлиши кузатилмади. Бундан фарқли равишда, 2- ва 3-гуруҳларда Та босқичида ЮҚС рецидивининг тегишли равишда 28,5 ва 50%, статистик ишончсиз ривожланиши билан кузатилди. Худди шу гуруҳларда Т1 босқичда рецидивланиш кўрсаткичлари аналогик тарзда – 30,0 ва 47,3% ни ташкил этди, бу эса ЮҚС рецидиви ривожланишида касаллик босқичи асосий ўрин тутмаслигани кўрсатади.

ЮҚС рецидивланиши частотасининг бунчалик кенг вариацияланувчи кўрсаткичларини тушинтириш учун, патологик неоангиогенез ифодаланганлиги, микротомирлар зичлиги аниқланади. Микротомирлар зичлиги, касалларнинг гендер таълуқлилиги ва ўсманинг сийдик пуфаги деворига жойлашиши билан умуман боғлиқликнинг йўқлиги фонида, микротомир зичлиги ўсма тўқимасида ўлчами ва ўсма гистологик дифференциацияси орасидаги боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, микротомирлар зичлиги ўрганиш, пробиотикларни интравезикал инсталляциясидан кейин микротомир зичлиги камайишини кўрсатди. Тегишли равишда, микротомирлар зачлигининг камайиши рецидивланиш частотасини кескин пасайишига ва беморлар реабилитациясининг сифатли асоси бўлиб хизмат қилади.



5-расм. Даволаш усулига мувофиқ равишда рецидивланиш кўрсаткичлари (n=167)

Реабилитация сифатининг ўсма ўлчамлари билан боғлиқлигига қарамасдан, солиштирма баҳолашда энг яхши натижалар асосий гуруҳда кузатилди. Ўз ўрнида, пробиотикотерапияни қўллаш, қайталаниш частотасининг кескин қисқариши билан бир қаторда, рецидивсиз даврнинг узайиши ва беморлар хаёт сифатини яхшиланишига, бу контингент беморларни даволашда сезиларли иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берди (5-расм).

ХУЛОСА

1. Сийдик пуфаги юзаки раки касаллиги симптом - комплекс учлиги (гематурия, оғриқ синдроми ва сийдик ажралиш жараёнидаги ачишиш) ва уротелий маҳаллий яллиғланиш реакцияси билан характерланади, бу эса ўсма жараёнининг жойлашиши, ўлчами ва босқичи билан тўғри пропорционал боғлиқликка эга. 62,3% беморларда ўта ифодаланган маҳаллий яллиғланиш реакцияси кузатилади. Маҳаллий пробиотикотерапиянинг ўтказилиши МЛР ифодаланиш частотасини асосий гуруҳда 55,3% ва назорат гуруҳида 17,5% га пасайтиради.
2. ЮҚСда қовуқнинг қўшимча микробли инфицирланиши билан характерланади, бу эса касалликнинг маълум босқичига боғлиқ эмас ва амалиётдан кейинги маҳаллий асоратлар натижаси бўлиши мумкин. Пуфак ичи пробиотикотерапияси инфицирланиш кўрсаткичини асосий гуруҳда 57,5% дан 6,0% гача ва назорат гуруҳида 58,7% дан 13,0% гача пасайтиради. ЮҚС да уротелиоцитлар кариодеструкцияси ва ядросининг шаклли параметрларининг бузилиши сифатидаги, кескин цитогенетик ўзгаришлар кузатилади ва бунда апоптоз индекси - 13,5 га тенг, бу эса қабул қилинган нормал кўрсаткичлардан 2 - 6 марта юқори.
3. ЮҚСда қовуқ шиллиқ қавати тўқимасида микро қон томир зичлигини (МҚЗ) ўрганиш энг мақсадга мувофиқдир, чунки МҚЗ ўсманинг гистологик тури ва ўлчами билан боғлиқлиги борлигидан далолат беради. Шундан келиб чиқиб, бу кўрсаткич даволаш самарадорлигини мониторинг қилиш учун прогностик омил бўлиб хизмат қилади. МҚЗ интравезикал пробиотикотерапиядан кейин 1мм^2 да 60,2$\pm$3,8 тани ташкил этади, бу эса бошланғич кўрсаткичдан 13,1% га кам.
4. ЮҚСни даволашнинг оптимал усули, ТУР фонида нео- ва адъювант пробиотикотерапия ўтказиш ҳисобланади, бу эса рецидив кўрсаткичларининг пастлиги билан ифодаланади (10,3%). ТУР билан пуфак ичи химиотерапиясини ўтказиш ёки моно режимдаги ТУР мақсадга мувофиқ эмас, чунки қайталаниш тегишли равишда 28,0% ва 47,8% беморларда кузатилади. Рецидивсиз давр медианаси тегишли равишда асосий гуруҳда 13,2+0,4 ойни ($p>0,05$), назорат гуруҳида 10,1+0,9 ($p<0,05$) ва 8,6+0,6 ойни ($p>0,05$) ташкил этади.
5. Пробиотикотерапия ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги асосий гуруҳ беморларида ҳаёт сифати кўрсаткичларининг энг яхшилиги билан исботланади, бунда Карновский шкаласига кўра 83,3+0,4% ни ($p<0,05$)

ва ЖССТ бўйича 1,6+0,1 баллни (p<0,05) ташкил этади. Назорат гуруҳида сийдик пуфаги ичи терапияси ўтказилмаган беморларда ҳаёт сифати (75,3+0,1% ва 2,1+0,02 балл) интравезикал химиотерапия қабул қилган беморларга нисбатан (70,4+0,2% ва 2,3+0,07 балл) статистик жиҳатдан ишончли равишда паст бўлган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА и ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ по ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ

БАБАКУЛОВ ШАРАФ ХАМРАКУЛОВИЧ

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРОБИОТИКОВ В КОМБИНИРОВАННОМ ЛЕЧЕНИИ ПОВЕРХНОСТНОГО РАКА МОЧЕВОГО ПУЗЫРЯ

14.00.14 – Онкология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.2.PhD/Tib79.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Наврузов Саримбек Наврузович** доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Гайбуллаев Асилбек Асадович.** доктор медицинских наук, профессор
	Полатова Джамиля Шагайратовна доктор медицинских наук
Ведущая организация:	**Казахский национальный научно исследовательский институт онкологии и радиологии Министерства Здравоохранения Республики Казахстан**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №53). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №___ от _____ 2018 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, академик.

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.м.н.

А.В. Девятов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «рак мочевого пузыря (РМП) составляет до 4,5-5% в структуре всех онкологических заболеваний, поражая чаще мужчин»[1]. Ежегодно в мире регистрируется до 200000 новых случаев этой патологии, 30-35% которых приходится на долю стран Евросоюза, при этом за 10 летний период наблюдения отмечается прирост заболеваемости, «который составил 52,1%, а летальность с момента установления диагноза в течении первого года достигает 23,1%»[2]. В нашей стране интенсивный «показатель РМП в 2015 году составил 1,3 на 100000 населения, а за последние 5 лет заболеваемость выросла на 12,6%»[3]. Неуклонный рост статистических показателей обусловил прогрессивное развитие современных медицинских технологий для ранней диагностики РМП, изучение генетико-гормональных и анатомо-физиологических особенностей как факторов риска развития этой онкопатологии. Разработаны новые стандарты лечения, которые позволили добиться определенных успехов в клинической онкоурологии. Свидетельством этого является расширение возможностей для выполнения радикальных, порой обширных хирургических вмешательств у большинства пациентов, увеличение продолжительности жизни и т.д. Однако остаются вопросы улучшения ранней диагностики поверхностного РМП для сокращения времени обследования пациентов за счет рационального использования современных диагностических методов на различных этапах оказания медицинской помощи. В связи с этим дальнейшее совершенствование диагностической тактики при РМП остается в ряду приоритетных.

В мировой практике в онкоурологии продолжаются научные исследования, а именно изучение особенностей рецидивирования заболеваний, разработка новых способов органосохраняющих хирургических вмешательств, стратификация факторов прогноза различных вариантов комплексного лечения рака мочевого пузыря. Особое значение уделяется вопросам изучения причин позднего выявления, ранних осложнений, локорегионарного рецидивирования и метастазирования, высокого риска прогрессирования этого заболевания. Определено, что выполнение малоинвазивных органосохраняющих хирургических вмешательств имеют высокую тенденцию к развитию рецидивов. Однако, в свою очередь, вероятность рецидива имеет пропорциональную зависимость от гистологической характеристики опухоли, наличия мультицентрического роста, составляя вариацию развития от 20 до 85%. Данное обстоятельство в течение последних 3-х десятилетий диктует поиск новых комбинированных

---

[1] World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization web site. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

[2] Zhang YH, Zhang XR, Yu J, Li HL. Clinicopathologic features and immunophenotype of pseudosarcomatous myofibroblastic proliferation of urinary bladder // Zhonghua Bing Li Xue Za Zhi. 2018 Aug 8;47(8):585-590.

[3] Статистические материалы о деятельности учреждений здравоохранения Республики Узбекистан в 2015 году.- Ташкент. -2016. -310 с.

методов действия на опухолевой процесс, что позволило бы улучшить как непосредственные, так и отдаленные результаты трансуретральной резекции (ТУР) при РМП, и соответственно, повысить качество жизни пациентов и уровень медико-социальной реабилитации.

В течение последнего времени в нашей стране предприняты глобальные меры по улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В этом направлении, в частности, в улучшении качества диагностики и результатов лечения больных с РМП, достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для совершенствования системы оказания медицинской помощи требуются научно-обоснованные результаты по оценке эффективности новых методов диагностики и хирургического лечения этой патологии. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности[1]. В соответствии с этим улучшение результатов хирургических вмешательств при поверхностном РМП путем разработки новых вариантов комбинированного лечения является одним из актуальных направлений для исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» за № ПП-2866 от 4 апреля 2017 года и «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, Постановлением Кабинета Министров №266 от 10 мая 2017 года «Об организации деятельности научно-исследовательского института общественного здоровья и организации здравоохранения», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день (Kano H [2]) «мировая доктрина современной практической онкологии базируется на идее обеспечения высокого качества оказания специализированной медицинской помощи, направленной на улучшения качества жизни пациентов с онкологическими заболеваниями». При этом критерии данной градации обширны, но фундаментальной основой является показатель выживаемости

[1] Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

[2] Kano H, Miwa S, Koshida K, Kawai K. Successful Treatment of a Large Superficial Bladder Cancer with Neoadjuvant Arterial Infusion Chemotherapy: A Case Report. // Case Rep Oncol. 2018 Jun 18;11(2):383-387.

при РМП, частота локорегионарного и отдаленного метастазирования и рецидивов, осложнений и летальности в ходе специализированной терапии. При анализе исследований, включенных в сеть клинических испытаний European Organisation for Research and Treatment of Cancer (EORTC)[1] «вероятность возникновения рецидивирования и прогрессирования через 1 год после трансуретральной резекции колебалась от 15% до 61% и от < 1% до 17%, а через 5 лет от 31% до 78% и от < 1% до 45% соответственно». Одной из многочисленных причин рецидива или продолженного роста является нерадикально выполненная операция, что связано с затруднением определения мелких или плоских опухолей, которые внешне выглядят как участки воспаления (Apfelthaler C [2]). «В мета-анализе 7 рандомизированных исследований (1476 больных, с медианой наблюдения 3,4 года) однократное непосредственное введение химиопрепаратов после ТУР снижает количество пациентов с рецидивами на 12%, а вероятность его развития до 39%»(Bourgeois S [3]).

